

Э.Ф.Гадоев

Ўзбекистон Республикаси

Давлат солиқ қўмитаси

раиси ўринбосари,

Солиқ академияси ректори, и.ф.н., доц.

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК: ИМТИЁЗЛАР САМАРАСИ

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш ва тадбиркорлик учун барча қулай шарт-шароитларни яратиш борасида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни жонлантириш, тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирлар Юртбошимиз томонидан эълон қилинган 2011 – “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили”да ушбу соҳани янада ривожлантириш учун замин яратди ҳамда иқтисодий-ижтимоий тараққиётини янги, янада юксак босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этди.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганлариdek: “Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш биз учун энг муҳим устувор вазифа сифатида изчил давом эттирилади. Мамлакатимизнинг барча минтақаларида бизнесни ривожлантириш учун янада қулай ишchan муҳит яратиш, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесга янада кенг эркинлик бериш, бироқратик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш лозим”.¹

Ягона солиқ тўлови ставкасини 2005 йилдаги 13 фойздан 2012 йилда 5 фойзгача, ёки 2,5 баробардан ортиқ камайтирилиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи учун катта имкониятлар берди. Жумладан, 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги кичик бизнес субъектлари улуши 30 фойзни ташкил қиласан бўлса, 2011 йил якунни билан бу кўрсаткич 54 фойзни ташкил этиди.

¹ И.Каримов. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиласи. Т.“Ўзбекистон”:2011.


Бугунги кунда иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш бўйича, биринчи навбатда, ишлаб чиқаришнимодернизация қилиш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш масалаларига кенг эътибор берилмоқда.

Республикамизда солиқ юкини пасайтириш, солиққа тортиш тизимини соддлаштириш ва унификация қилиш, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини муайян соҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида кейинги йилларда қатор қўшимча солиқ имтиёzlари ва преференциялар берилди.

Тадбиркорликка максимал даражада янада қулай бизнес-муҳит яратиш, хусусий мулкнинг устуворлигини мустаҳкамлаш, уни ишончли кафолатларини таъминлаш ҳамда тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш ва ривожлантиришга йўналтирилган кенг чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1474 сонли Қарорига мувофиқ «Кичик бизнес ва хусусий тад-

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ЯИМ даги улуши, %.

1 Расм



биркорлик йили»нинг Давлат дастури қабул қилинди.

Жумладан, Дастурга мувофиқ, давлат ва назорат органларининг корхоналар молия-хўжалик фаолиятига аралашувини тубдан қисқартириш, текширишларни ташкил қилиш тизимини янада такомилластириш ва мансабдор шахсларнинг улар фаолиятига асоссиз аралашуви учун жавобгарлигини кучайтириш, шу асосда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кучайтиришни тъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 апрелдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомилластириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4296-сонли Фармони қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Фармонда янги ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектларининг (акциз солиғига тортиладиган товарлар ишлаб чиқарувчи кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш, шунингдек бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ текширишлар бундан мустасно) молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб, дастлабки 3 йил мобайнида режали солиқ текширувларидан ўтказилмаслиги белгиланди.

Фармонда белгиланган муҳим қулийклардан яна бири 2011 йилнинг 1 апрелидан 2014 йилнинг 1 апрелигача бўлган даврда солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган, шунингдек ишлаб чиқариш суръатларини барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини солиқ текширувлари (юридик шахсларни тугатиш чоғида, қўзғатилган жиноят ишлари доирасида, шунингдек бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ҳамда ресурслардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ режадан ташқари текширишлардан ташқари) тақиқланди.

Шунингдек, кичик тадбиркорлик субъектларида солиқ текширувлари ўтказишнинг даврийлигини аниқ белгилаш мақсадида, кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ соҳасида текшириш муддатларини қонун ҳужжатларида уларни ўтказиш кўзда тутилган максимал муддатдан, яъни 30 календарь кунидан ортиқ муддатга узайтирилишига йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилди.

“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастурига мувофиқ ҳамда тадбиркорлик фаолиятини кенг ривожлантириш учун қўшимча қулий шартшароитлар яратиш, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомилластириш ва харжатларини камайтириш мақсадида, 2011 йил 12 майда яна бир муҳим хужжат, ИҚТИСОД ВА МОЛИЯ / ЭКОНОМИКА И ФИНАНСЫ № 2, 2012

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 1529-сонли Қарор қабул қилинди.

Ушбу Қарорга кўра, 2011 йил 1 июндан бошлаб қатор тадбиркорлик соҳаларидаги субъектлар ходимларининг йиллик ўртacha сонини 50 дан 100 кишигача кўпайтиргани ҳолда "кичик корхона" мақомини сақлаб қолиш ва ушбу тоифадаги тадбиркорлик субъектлари учун белгиланган имтиёз ва преференциялардан фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

Шунингдек, 2011 йил 1 июндан бошлаб тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиблари соддалаштирилди ва ушбу мақсадда улардан олиандиган тўловлар қисқартирилди.

Жумладан, янги ташкил қилинаётган масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар устав фондининг энг кам ҳажми давлат рўйхатидан ўтиш учун ҳужжатлар тақдим этилган сана-да қонунчиликда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг қирқ бараваридан кам бўлмаслиги белгиланди, яъни амалдаги энг кам иш ҳақи миқдорининг эллик бараваридан 20 фоизга камайтирилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш уларнинг аризасига кўра намунавий таъсис ҳужжатлари асосида амалга оширилиши мумкинлиги белгиланди ҳамда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда (хорижий инвестицияли корхоналар ва чет эл сармояси иштирокидаги бошқа корхоналар бундан мустасно) нотариал тарзда тасдиқланган таъсис ҳужжатларини тақдим этиш ҳақидаги талаб бекор қилинди.

Туман (шаҳар) ҳокимлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш бўйича тегишли инспекцияларда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тўланадиган давлат божи ставкаси энг кам иш ҳақи миқдорининг бир бараварига teng бўлиши белгиланганлиги ҳам тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказишдаги харажатларни қисқартиради.


Фармон қабул қилингунга қадар давлат божи ставкаси энг кам иш ҳақи миқдорининг икки бараварига тенг эди, яъни бу миқдор тенг икки мартага камайди.

Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш, бозор ислоҳотларини либераллаштириш ва чуқурлаштириш йўлидан жадал ҳаракат қилиш, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётидаги роли ва улушкини ошириш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва даромадларини таъминлаш мақсадида, 2011 йил 24 августдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулагай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-4354-сонли Фармони қабул қилинди.

Фармонда бу йўналишдаги давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органдари, хўжалик бирлашмалари ва тижорат банкларининг муҳим вазифалари белгиланган.

Бу вазифаларнинг энг асосийларидан бири кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ортиқча бюрократик тўсиқ ва ғовларга барҳам бериш, давлат бошқаруви функцияларини қисқартириш ва тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат бошқаруви органлари томонидан амалга оширилаётган турли рухсат бериш меъёrlари ҳамда чеклаш тартибларини кескин қисқартиришдан иборатdir.

Иккинчидан, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг давлат бошқаруви идоралари, солиқ ва назорат тузилмалари билан ўзаро муносабатларида очиқлик ва шаффоффликни таъминлаш, ҳисоботлар тизими ҳамда молия, солиқ ва статистика идораларига ҳисоботларни топшириш механизмини уларни электрон тизим бўйича тақдим этишга босқичма-босқич ўтиш орқали тубдан соддалаштириш кўзда тутилган.

Ягона солиқ тўлови ставкасининг пасайиш тенденцияси**2 расм**

Шунингдек, Фармонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларирига солиқ, божхона ҳамда бошқа тўловлар бўйича тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш ва унинг самарадорлигини оширишга кўмаклашадиган қўшимча имтиёз ҳамда преференциялар бериш белгиланган.

Тўртинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг тижорат банклари билан ўзаро ҳамкорлик механизмини янада такомиллаштириш ва соддалаштириш, тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, уларга ажратилаётган кредитлар, биринчи навбатда, янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилишга ва технологик янгилашга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлар ҳажмини кўпайтириш ҳам муҳим вазифа қилиб белгиланган.

Яна бир муҳим вазифа - кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятда кенг иштирок этиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг маҳсулотларини ташқи бозорларга олиб чиқишга кўмаклашиш, экспорт шартномаларини рўйхатдан ўтказиш жараёнини ҳамда умуман божхона маъмуриятчилигини соддалаштириш ва либераллаштиришдан иборатdir.

Шу ўринда, белгилаб берилган вазифалар билан бир қаторда, Фармон билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича кўзда тутилган ҳуқуқий меъёрлар ва имтиёзлар устидага алоҳида тўхталиб ўтиш лозим.

Жумладан, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг барча даражадаги давлат бошқаруви идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари, тижорат банклари билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқлари устуворлиги принципига амал қилинади, яъни, унга мувофиқ, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги барта-раф этиб бўлмайдиган барча зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлар фойдасига талқин этилиши белгиланди.

Айниқса, 2012 йилнинг 1 январидан саноат соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга камайтирилиши белгиланганлиги уларни молиявий қўллаб-қувватлашда катта аҳамиятга эга эканлиги аниқ ва равшан.

Яна бир имтиёз, яъни Фармон билан 2011 йилнинг 1 октябридан бошлаб солиқлар, божхона божлари ва йиғимлари, шунингдек, бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддатларини бузганлик учун пеня миқдори кечикирилган ҳар бир кун учун пеняни ҳисоблаш тартибиқтисод ва молия / ЭКОНОМИКА И ФИНАНСЫ № 2, 2012

би сақланған ҳолда, амалдаги миқдорига нисбатан учдан бир қысмга камайтирилди.

Юридик шахсларга текширувлар на-тижалари бүйіча құшымча ҳисобланған солиқ ва бошқа мажбурий түловларни, шунингдек, молиявий санкцияларни ундириш тұғрисида қарор қабул қилингандан бошлаб олти ой мобайнида тенг улушларда тұлаш ҳуқуқини берилиши эса, ularни молиявий ахволини ёмонлашиши ҳолатларини олдини олишга ҳамда бир маромда фаолиятими давом эттириш имконини беради.

Ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этиш борасидаги сарф-харажатларни қисқартириш мақсадида барча кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини 2014 йилнинг охиригача солиқ ва молиявий ҳисоботларни топширишнинг электрон тизимига босқичма-босқич үтказилишини таъминлаш күзде тутилди ҳамда 2011 йил 1 сентябрдан кичик бизнес субъектларидан тижорат банкларида миллий валютада ҳисобрақамини очганлық учун тұлов ундиришни бекор қилинди.

Хўжалик субъектлари томонидан савдо ва сервис соҳасида харид қилинадиган товар (иш, хизмат)лар учун корпоратив пластик карталаридан фойдаланған ҳолда түловларни амалга оширишда тұлов терминаллари чекларини бирламчи бухгалтерлик ҳужжатларига тенглаштирилиши ва кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига банк муассасаларига әнг кам иш ҳақининг йигирма баробари миқдоригача бўлган нақд пул тушумини мустақил топшириш ҳуқуқи берилиши ҳам бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузишда қулайликлар яратади.

Фармонда кичик бизнес субъектларини экспорт-импорт операцияларини амалга оширишлари борасида ҳам қатор қулатиллар белгиланған.

Жумладан, микрофирмалар ва кичик корхоналар ўзи ишлаб чиқарған товар (иш, хизмат)ларни экспорт қилишдан тұшадиган валюта тушумининг 50 фоизини мажбурий сотишдан озод этилди.

Шунингдек, хўжалик субъектлари ўрнатилған технологик ускуналарга Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича республи-

ка худудига олиб келинадиган эҳтиёт ва бутловчи қисмлар учун **2016 йилнинг 1 январигача** божхона түловларини (божхона расмийлаштириш йиғимлари бундан мустасно) тұлашдан озод этилди.

Кичик бизнес субъектларига ўз товарлари билан ташқа бозорга чиқышларига "Марказсаноатэкспорт" давлат акциядорлик ташқи савдо компанияси қошида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича "Ўзтадбиркорэкспорт" ихтисослаштирилган ташқи савдо компаниясини ташкил этилиши муҳим омил бўлади.

Хусусий мулкчиликни ривожлантириш йўлида ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ҳамда тадбиркорлик фаолияти кўламини кенгайтириш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кўпайтиришда кичик бизнес субъектларининг фаол иштирок этишлари учун қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги "Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини яна-да ошириш чора-тадбирлари тұғрисида"ги ПҚ-1604-сонли Қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, 2011 йил 1 сентябрдан бошлаб тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат беришга доир Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан белгиланған 50 та ҳужжатларнинг амал қилиши бекор қилинди. Жумладан, ер участкаларидан фойдаланиш соҳасида; ер остидан фойдаланиш соҳасида; табиатдан фойдаланиш соҳасида; ишлаб чиқариш соҳасида ташқи иқтисодий фаолият соҳасида; автомобиль, темир йўл, дарё ва ҳаво транспорти соҳасида; савдо ва умумий овқатланиш соҳасида ва бошқа соҳаларда турли хил рухсат олиш тартиботлари бекор қилинди.

Шунингдек, Қарор билан Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қонун ҳужжатларидан назарда тутилмаган рухсатномалар ва рухсат бериш тартиботларини янги турларини жорий этиш тақиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 октябрдаги 283-сонли қарори билан ҳам 12 турдаги

фаолият турларига рухсат бериш тартиби бекор қилинди.

Айниқса, 2011 йил 1 октябридан бошлаб кичик саноат ишлаб чиқаришларни жойлаштириш учун ер участкаларини ажратишга доир мурожатларни ваколатли органлар томонидан кўриб чиқиш ва келишиш муддати бир ойдан ошмаслиги чеклаб қўйилди.

Мазкур Қарор билан 2011 йилнинг 1 октябридан бошлаб товарлар, ишлар ва хизматларни экспорт қилувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар учун давлат божхона хизмати органларида экспорт контрактларини ҳисобга қўйиш товарларни божхона расмийлаштируви жараёнида бевосита божхона постларида амалга оширилиши белгиланди (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сонли Фармони билан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ хом ашё товарлари экспортидан ташқари). Бу йўналишда 2011 йил 1 октябрдан бошлаб тажриба тариқасида, экспортга етказиб бериш билан боғлиқ бўлган тартиботларни божхона расмийлаштируви, декларация қилиш, сертификатлаштириш, санитария-эпидемиология назорати ва товарларни божхона расмийлаштируви жараёнида қатнашадиган бошқа ташкилотлар фаолиятини бир вақтнинг ўзида амалга оширилишини таъминлайдиган "бир дарча" тамоилии асосида бажариш механизмини босқичма-босқич жорий этиш белгиланганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мазкур Қарорга мувофиқ, товарларни экспорт қилишда тўланадиган божхона расмийлаштируви йиғимларининг амалдагига қараганда ўртacha 2 маротабага камайтиришни назарда тутивчи янги ставкалари белгиланди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари товарларини экспорт қилиш бўйича кўрсатиладиган хизматларни арzonлаштириш мақсадида «Ўзтадбиркорэкспорт» ихтисослаштирилган ташқи савдо компаниясига ҳам қўшимча имтиёз ва преференциялар белгиланди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, юқорида таъкидланган Фармон ва Қарорларнинг қабул қилиниши ва ижтимоий ҳаётга татбиқ этилиши, ўз навбатида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг юртимиз иқтисодиётидаги улушини янада кўпайишига, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга, тадбиркорлик фаолияти эркинлигини ва қўламини янада оширишга, тадбиркорлик субъектларида солиқ текширувларини қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш ҳамда назорат органларининг тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятига аралашувини янада камайишига, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш ва маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кўпайтиришда кичик бизнес субъектларининг фаол иштирок этишлари учун қулай шарт-шароитларни яратишига хизмат қиласи.

Адабиётлар рўйхати:

1. 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. 19.01.2012 Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011-йилнинг асосий якунлари ва 2012-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Махкамасининг мажлисидаги маърузаси.
2. И.Каримов. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиласи.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 30.12.2011 й. N ПҚ-1675